

**ТЕРРОРИЗМНИНГ САБАБЛАРИ ВА УНГА ИМКОН БЕРГАН
ШАРТ-ШАРОИТЛАР**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура
тингловчисиси А.А.Эргашов*

Таянч тушунчалар: *Терроризм, терроризмнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар, жиноятчи шахс, диний экстремистлар, мафкуравий кураш, зояга қарши кураш.*

Аннотация. *Мақолада терроризмнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар таҳлил қилинган бўлиб ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш бўйича амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирлар гуруҳларга ажратилиб, унинг барвақт профилактикаси юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилган.*

**ПРИЧИНЫ ТЕРРОРИЗМА И УСЛОВИЯ,
СПОСОБСТВУЮЩИЕ ЕГО ЕГО РАЗВИТИЮ**

Основные понятия: *Терроризм, причины терроризма и условия, сделавшие его возможным, преступник, религиозные экстремисты, идеологическая борьба, борьба с идеей.*

Аннотация. *В статье анализируются причины терроризма и условия, сделавшие его возможным, профилактические меры по предотвращению этого вида преступлений разделены на группы, а также даются предложения и рекомендации по его раннему предупреждению.*

**CAUSES OF TERRORISM AND CONDITIONS CONTRIBUTING
TO ITS DEVELOPMENT**

Key words: *terrorism, causes of terrorism and the conditions that made it possible, criminal, religious extremists, ideological struggle, struggle against the idea.*

Annotation. The article analyzes the causes of terrorism and the conditions that made it possible, preventive measures to prevent this type of crime are divided into groups, and also provides suggestions and recommendations for its early prevention.

Терроризмнинг олдини олиш унинг пайдо бўлиши ва мавжудлиги сабабларини ўрганишдан бошланади. Бу ижтимоий хавфли ҳодисани туб моҳиятини ўрганиш, унинг сабаб шароитларини аниқлаб вақтида тегишли чораларни кўришни тақозо этади¹.

Терроризм жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш, аҳолининг кенг қатламларида ваҳима ва қўрқув ўрнатишга қаратилган сиёсий курашнинг ўзига хос усулидир. У яширин (конспиратив) руҳдаги ташкилотлар томонидан беқарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадида қўлланилади.

Терроризмнинг энг асосий хусусиятларидан бири бундай ҳаракат тарафдорларининг «зўрлик – давлатни қулатувчи ва ҳокимиятга эришишни осонлаштирувчи парокандаликка олиб келувчи мақсаддир», деган ғояга асосланиб ҳаракат қилишлари яққол кўринади. Америкалик мутахассис Б.Женкинс терроризмни, энг аввало, қурбонлардан кўра гувоҳларга қаратилган ва ваҳима уйғотишга йўналтирилган зўрлик, деб баҳолайди. Бу таърифда сиёсий терроризмнинг ниҳоятда муҳим бир хусусияти – унинг муайян сиёсий мақсад ёки амалий натижаларга эмас, балки у ёки бу хуруж натижасида одамлар орасида, ижтимоий фикрда юзага келадиган хавотирли акс-садо, шов-шувга эришишга қаратилгани таъкидланган.

Терроризмнинг кенг қулоч ёйишига ва унинг содир этилишига сабаб бўлаётган омилларни қуйидагиларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1) Айрим нуфузли сиёсий доиралар ҳамда давлатларнинг диний экстремистик ва террорчи кучларнинг мавжуд бўлишидан

¹ Кузнецов А.А. «Исламское государство» в контексте политических изменений на Ближнем Востоке // Вестник МГИМО Университета. 2015. № 2 (41). С. 184–192.

манфаатдорлиги. Хусусан, қўшни Афғонистондан собиқ СССРни сиқиб чиқариш мақсадида турли экстремистик кучларга Ғарб давлатлари томонидан бевосита ва билвосита кўрсатилган молиявий ва услубий кўмак мамлакатда вазиятнинг шу қадар чигаллашиб кетишига сабаб бўлган эди. Бу каби сиёсий ўйинлар ҳозир ҳам айрим йирик давлатлар ва сиёсий гуруҳларнинг ўз геосиёсий мақсадларини амалга оширишлари мақсадида давом этмоқда.

2) *Террорчилар фаолиятининг мафкуравий ва сиёсий жиҳатдан кучли таъминланиши.* Маълумки, диний экстремистик ва террорчи гуруҳлар бугунги кунда ўз сафларини кенгайтириш, оқим аъзоларини ташкилот таъсир доирасида тутиб туриш учун кучли диний-мафкуравий асосларга таянишмоқда. Бу йўлда ҳатто, шариат қонун-қоидаларини аслидан бузиб, ўз манфаатларига хизмат қилдириш, «ҳижрат», «жиҳод», «шаҳидлик», «халифалик», «имон», «куфр» сингари тушунчаларнинг мазмун-моҳияти нотўғри талқин қилиш ва сафдошлари онгига сингдиришга уринишлар бўлмоқда. Натижада, манқуртга айланган «исломчилар» муқаддас дин йўлида террорчилик ҳаракатларини содир этишмоқда.

3) *Терроризмнинг Европа ва Шимолий Америка бозорларини кўзда тутган ҳолда наркобизнес билан тобора аниқ қўшилиб бориши.* Маълумотларга кўра, Афғонистон ва Покистон давлатларидан қўним топган террорчи ташкилотларнинг асосий молиявий таъминот манбалари наркотик маҳсулотлар савдоси ҳисобига тўлдирилади. Бугунги кунда жаҳонда ишлаб чиқарилаётган гиёҳванд моддалар умумий ҳажмининг 50–75 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келади ва уларнинг асосий қисми Ғарбга «экспорт» қилинади.

4) *Террорчи ташкилотларнинг йирик халқаро корпорациялар, жаҳондаги етакчи мамлакатларнинг молиявий-саноат гуруҳлари ҳамда махсус хизматлари билан ҳамкорлик қилиши.* Бу ҳақда Ироқ ва Сурия ҳудудларидаги террорчиларнинг айрим ташкилотлар билан зимдан алоқа ўрнатганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд.

5) *Исламофобия*, яъни одамларни ислом дини ва мусулмонлардан кўрқитиб қўйиш. Маълумки, дунёнинг турли мамлакатларида ислом динига қизиқиш ва мусулмон бўлиш истагидаги инсонлар сони тобора ортиб бормоқда. Бу эса, баъзи ташкилотлар ва давлатлар учун ижобий ҳолат эмас. Террорчилик ташкилоти аъзоларининг исломни ўзларига ниқоб қилиши ва террор актларини амалга ошириши эса бошқа дин вакилларида «ислом – жангарилик дини» деган тасаввурнинг шаклланишига туртки бўлади. Бу, албатта, олдиндан ўйланган ва режалаштирилган тенденция ҳисобланади.

Терроризм – ҳозирги замоннинг энг хавфли ва олдиндан билиб бўлмайдиган ижтимоий сиёсий ҳодисалари сирасига киради. Бугунги кунда терроризм муаммоси бутун дунёда энг долзарб муҳокама этиладиган муаммолардандир. Сайёрамизда тобора хилма – хил шаклдаги таҳдидли даражада кучайиб бораётган жаҳоншумул офат тегиб ўтмаган мамлакат ҳам жой ҳам йўқ. Терроризм такомиллашиб, тобора хавфли тус олиб бормоқда. Ўзбекистон 1993 йилдан буён дунё ҳамжамиятини бу офатнинг оқибатларидан огоҳлантириб келмоқда.

Терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг асоси экстремистик ва терроризмга оид оммавий чақириқлар ҳамда экстремизм ва терроризмни оқловчи материаллар бўлиб, улар ўз навбатида террорчи шахсга айланиш борасида жиддий таъсир ўтказади².

Терроризм билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш ушбу жиноятларга қарши самарали криминологик чоратадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Маълумки, террорчилар ер шарининг турли жойларида алоҳида-алоҳида, бир-биридан батамом ажралган ҳолда ҳаракат қилган бўлсалар, бугун улар ўз фаолиятини минтақавий, ҳатто умумсайёравий даражада мувофиқлаштиришга интилоқдалар, яъни бугун инсоният тинчлигига террорчилар мисолида халқаро миқёсда уюшган, керак бўлса бир ёки бир неча қудратли марказлар

² Бучаев С.М. Криминологические проблемы противодействия процессу становления личности преступника-террориста: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Грозный, 2019. – С. 56.

томонидан бошқарилаётган сиёсийлашган халқаро жиной гуруҳлар тахдид солмоқда³.

Терроризмнинг келиб чиқишини тақозо этувчи қуйидаги омиллар мавжуд:

- 1) демографик муаммо;
- 2) қурол савдоси;
- 3) оммавий маданият;
- 4) миллатлараро муносабатлардаги кескинлик;
- 5) кўпгина масалаларнинг қонун даражасида тартибга солинмаганлиги ва бошқалар.

Терроризм ва у билан боғлиқ жинойтларнинг тарқалиши кўп жиҳатдан аҳолининг қашшоқлиги, қатор минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг паст даражаси, аҳолининг саводсизлиги, шу жумладан диний саводсизлик, ғарбнинг таъсири, коррупциянинг юқори даражаси, ижтимоий кескинликнинг мунтазам равишда кучайиши, жамият ҳаёти ва фаолияти барча соҳаларининг криминаллашганлиги, “ислом омили” ва хорижий террористик ташкилотларнинг кўпуровчилик фаолияти, қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддалар ноқонуний айланмасининг жуда катта кўлами, жангари-миллатчилик ва сохта-диний, экстремистик мафкура (вахобийлик), шахсият психикасининг хусусиятлари ва бошқа сабабларга кўра содир этилади⁴.

Ёшлар ўртасида экстремизм ва терроризм мафкурасига барқарор салбий муносабатни шакллантириш учун зарур билимлар асосларини мактаб ўқувчилари ва талабаларга етказиш учун имконият бўлиб малакали дин мутахассисларининг қўшимча педагогик маълумот олишлари муҳимдир, бу уларнинг радикал экстремистик ташкилотлар фаолиятига жалб этилишига тўсқинлик қилиб, муҳим профилактик аҳамият касб этади.

³ Ражабова М. Диний экстремизм ва террорчилик. – Т., 2000. – Б.27.

⁴ Павлик М.Ю. Криминологические аспекты противодействия терроризму в России // Ленинградский юридический журнал. – 2015. – №4245

Таъкидлаш керакки, айрим ёшлар террорчи гуруҳлар домига интернет тармоқлари орқали турли психологик таъсирлар натижасида билиб-билмаган ҳолда тушиб қолмоқда. Булар: психологик уруш; оммавийлик ва ташвиқот; маълумот тўплаш; ёллаш ва сафарбар қилиш.

Ҳақиқаттан ҳам таълим органлари ва муассасалари ёшлар ўртасида ушбу жинойтларнинг олдини олишда етакчи ўринни эгаллайди. Таълим олдидаги асосий вазифалардан бири бу, қанчалик мураккаб бўлсада, ўқув-таълим муассасаларида ўспиринларнинг соғлом жисмоний ва ижтимоий ривожланишини таъминлайдиган шароит яратишдир⁵. Таълим тизими муассасалари томонидан олиб борилаётган, ўзларининг тарбиявий-профилактика имкониятларидан самарали фойдаланиш ёшлар экстремизмига қарши курашда муҳим ҳисса қўшади.

Таълим тизимининг муассасалари ёшлар ўртасида терроризмнинг эрта олдини олишни умумий ўқув-таълим вазифаларига мувофиқ равишда, бу функцияни алоҳида ажратмаган ҳолда, ёшлар радикаллашувининг олдини олиш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш орқали бажарадилар. Бунда ўсмирлар ва ёшлар билан индивидуал тарбиявий-профилактик ишларни олиб бориш алоҳида аҳамиятга эга.

Ёшлар билан индивидуал ишлашнинг асосий йўналишларидан бири – бу ўқитувчилар ва ижтимоий ҳимоя ходимлари томонидан мактаб соатларидан ташқарида уларнинг хатти-ҳаракатларини доимий назоратни ташкил этишдир. Шунинг учун синф раҳбарлари ушбу ўспиринлар ва ёшларнинг ота-оналари билан яқин алоқа ўрнатиши, уларни синф ўқитувчиси мактабдан ташқарида бўлган хатти-ҳаракатлар тўғрисида ва экстремистик таъсир кўрсатиши мумкин бўлган одамлар билан алоқалар тўғрисида хабардор қилиш зарурлигига ишонтириш учун барча чораларни кўришлари керак.

⁵ Glowka D et al. Schulen und Unterricht im Vergleich: Russland/Deutschland. – Munster – New York: Waxmann, 1995. – S. 139.

Терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишнинг муҳим шакли экстремистик таъсирга мойил ўспиринлар ва ёшларни ижтимоий фойдали фаолиятга жалб қилишдир.

Террористик гуруҳларнинг аъзолари компьютер воситалари ва интернет тармоғи орқали мамлакатнинг турли бурчакларида ёки чет элда яшайдиган ўзларига ҳамфикр одамлар билан маълумот алмашадилар⁶. Улар омма учун очиқ бўлган компьютер маълумотлар базасини тўлдиришади ва шу билан одамларнинг онгига таъсир кўрсатадиган ва фикрлашларида экстремизмни ривожлантирадиган гиж-гижловчи ғаламис чақириқларни тарқатишадилар.

Ёшларнинг террорчи гуруҳлар сафига кириб қолишининг сабаблари турлича бўлиб, уни қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- 1) осон пул топиш ниятида;
- 2) мафкуравий қарашлар таъсирида;
- 3) мавжуд тартибни ўзгартириш истагида;
- 4) машхур бўлиш ва хокимиятга эга бўлиш орзусида;
- 5) дўстининг таъсирида террористик ташкилотга қўшилиб қолиши;
- 6) “Telegram”, “Imo”, “WhatsApp”, “Facebook”, “Viber”, “Instagram”, “Odnoklasnik” каби бир қатор ижтимоий тармоқлар гирдобига тушиб қолиш таъсирида;
- 7) катта ёшдаги жиноитчиларнинг таъсирида;
- 8) глобаллашув ва интеграцион жараёнларининг кучайиб бориши натижасида турли мафкуравий хуружлар таъсири;
- 9) мамлакатимизда ёшлар онгида таъсир этаётган деструктив ғояларга қарши курашаётган давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлик фаолияти самараси пастлиги ва бошқ.

Юқоридаги сабаблар вояга етмаганлар ва ёш террорчиларнинг террористик гуруҳлар таъсирига тушиб қолишига олиб келиши мумкин.

⁶ Лапунова Ю.А., Голяндин Н.П. Распространение идеологии экстремизма и терроризма в киберпространстве: проблемы и пути их решения // Труды Академии управления МВД России. – 2017. – № 3 (43).

Ушбу тоифадаги шахслар қатъий ахлоқий тамойилларга ва жамиятга нисбатан ўрнатилган қарашларга эга эмас. Бу кўпинча катталар томонидан фойдаланилади ва уларни жиноят қуролига айлантиришади. Зеро, “вояга етмаган шахс ўзига мутлақо ишонмайди ва тақлид қилиш объектига муҳтож бўлиб, у ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириши мумкин”⁷.

Жиноятлар ёшлар томонидан жуда осон содир этилади, чунки у хамфикр одамлар гуруҳида ва унинг ҳаракатлари дунёни қутқариш учун тўғри ва ҳатто зарур деган фикр билан илҳомлантирилган, у дунёни қутқарувчининг бир тури ва унинг ўзига хос вазифаси бор⁸. Вояга етмаган шахс, бошқаларнинг назарида ўз аҳамиятидан илҳомланиб, бегуноҳ одамларни ўлдиришда ўзини айбдор ҳис қилмасдан, ҳар қандай қурбонлик ва ҳаракатларга тайёр. У ҳатто ўз ўлимига ҳам аҳамият бермайди.

Террорчилар ўзларини айбдор ҳис қилмасдан жамиятда оммавий ваҳима ва кўрқувни яратадилар. Кўпинча дин террорчиларнинг асосий мафкураси ҳисобланади.⁹

Бугунги кунда ёшларни террорчилик гуруҳлари сафига кириб келишига сабаб бўлаётган энг асосий омил бу – интернет орқали тарғибот қилишдир. Бундай тарғиботни амалга ошириш қуйидагиларда намоён бўлади:

- ахборот тарқатувчининг интернетдан фойдаланишда ўзини ошкор қилмаслик имкониятининг мавжудлиги;
- ахборотлардан фойдаланишнинг тартибга солилмаганлиги;
- интернетдан фойдаланишнинг содда ва қулайлиги;
- ҳар қандай бошқа турдаги ахборот тарқатувчи воситаларга нисбатан интернетдан фойдаланувчилар доирасининг ўта кенг қамровга эгалиги;

⁷ Никулин Е.В., Ольховой М.А. Терроризм как социальная девиация. Первопричины терроризма. // Вестник современных исследований. 2016. № 2. С. 85-89.

⁸ Цветкова Е.В. Некоторые особенности преступности несовершеннолетних и факторы, влияющие на формирование личности несовершеннолетнего преступника // Вестник Владимирского юридического института. 2012. № 4. С. 137-142.

⁹ Иванова А.А. Социальная детерминация преступлений несовершеннолетних и против несовершеннолетних // Вестник Нижегородской правовой академии. 2016. № 11. С. 37-41.

- матн, тасвир ва овоз уйғунлигига эга ахборотнинг ҳар қандай кўринишини унда жойлаштириш имкониятининг мавжудлиги;

- маълумотларни етказишнинг ўта тезкорлиги;

- кенг аҳоли қатлами орасидан айниқса ёшларнинг бугунги кунда интернетга тўлиқ қарамлиги ва шу каби бир неча имкониятларни санаб ўтишнинг ўзи ушбу ижтимоий тармоқ имкониятларига баҳо бериш учун етарли бўлади.

Мутахассисларнинг қайд этишича, «ИШИД» террорчилик ташкилоти ўзининг ғоявий тарғиботининг 99 фоизини интернет тармоқлари орқали амалга оширар экан, бунда ушбу тарғиботнинг турли кўринишларида намоён бўлаётганлигини кузатиш мумкин. Булар:

- шахс руҳиятини бузиш;

- бузиб кўрсатилган турли диний шариат қоидалари асосида ўз ғояларининг тўғрилигига бошқаларни ишонтиришга уриниш.

- ташкилот аъзолари сонини ошириш.

- қуйи тузилмаларни масофадан туриб бошқариш.

- соҳага қизиқиш билдирган кенг қамровли аудиторияга турли йўналишлар бўйича «махорат дарслари»ни ўтиш.

- турли «ҳомийлар» орқали ўз бюджетини доимий равишда тўлдириб бориш ва бошқалар.

Терроризм ва диний экстремизм тарғиботчилари ўзларининг ҳаракатларини диний жиҳатдан оқлаб, ўзларини дин ҳимоячилари сифатида кўрсатади. Улар «шаҳидлик белбоғи»ни портлатиб бегуноҳ инсонлар ҳаётига зомин бўлмоқдалар. Улар жиноятчиларни «шаҳидлар султони», деб эълон қилиши, «жаннатга тўсиқсиз кирувчи» сифатида тасвирлашлари ва бу жараёни ёшларга ўрнак қилиб кўрсатиши кўпгина ўзининг мустақил фикрига ва соҳавий билим ва тушунчасига эга бўлмаган ёшларнинг осонгина «тузоққа тушиши»га сабаб бўлмоқда.

Жамиятда фуқаролар, айниқса ёшлар бугунги кунда интернет тармоқларидан тарқатилаётган ахборотларнинг тўғри, ишончли ва зарарсиз

эканлигини билиши лозим ёки бундай ахборотларни бир биридан ажрата олишлари керак. Кўпгина ҳолларда ёшлар тарқатилаётган ҳар қандай маълумотни ҳақиқат деб қабул қилаётганликлари жамоатчиликни хавотирга солмоқда. Зеро, «шунини унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин»¹⁰.

Бундай шароитда ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда она Ватанга муҳаббат, миллий ва диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бинобарин, жамиятимиз ёшларини турли хил кўринишдаги мафкуравий хуружлар таъсиридан асрашда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

биринчидан, соғлом ва мустақил фикрловчи ёшларни тарбиялаш, уларни маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий билимларини ошириш, улар онгида миллий мафкурани мужассамлаштириш, таълим-тарбиянинг пировард натижаси сифатида уларда ватанга муҳаббат туйғусини мустаҳкам шакллантирилишига эришиш орқали терроризм ва экстремизм жиноятларига нисбатан иммунитет ҳосил бўлишига эришиш;

иккинчидан, ёшларни террористик, экстремистик гуруҳлар таҳдидларига доимо тайёр туриши, сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиши, ўз билим ва дунёқарашларини давр талаблари асосида мунтазам бойитиб боришлари борасида ишларни кучайтириш;

учинчидан, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш мақсадида уларни тарихан шаклланиб келган миллий қадриятларимизга асосланган маънавий-ҳуқуқий одоб-ахлоқ нормалари билан қуроллантиришимиз, бунинг учун эса ўқув муассасаларида, маҳаллада ва оилада ўзаро ҳамкорлик асосида ишларни изчил ташкил этиш ва амалга ошириш лозимдир.

¹⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. –б. 96.

Бу борада юртбошимиз таъкидлаганидек, «ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар – бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими – уларнинг барчаси айниқса фаол бўлишлари лозим»¹¹.

Шундай қилиб, биз терроризм билан боғлиқ жиноятлар механизмини ўрганиш, уни тайёрлаш, содир этиш ва яшириш усуллари, шунингдек, жиноят иштирокчиларини ҳаракатлари, унинг оқибатларини пайдо бўлишига олиб келадиган қонуниятларни ҳамда терроризмга қарши курашнинг самарали воситалари ва усулларини чуқур ўрганиш лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш ва таҳлил этиш келгусида ушбу турдаги жиноятларнинг эрта аниқлаш ва олдини олишга, шунингдек терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишига қарши самарали чора-тадбирларни белгилашга хизмат қилади.

¹¹ *Мирзиёев Ш.М.* «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. – Халқ сўзи. – 2017. – 17 июнь.